

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда электр ва газ таъминоти тизимини изчил модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, энергия тежамкорлик асослари ва етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Амалга ошириладиган тадбирлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, ишчанлик фаоллиги ва мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, истеъмолчилар тоифасини инobatга олган ҳолда етказиб бериладиган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашнинг мавжуд эмаслиги улардан нооқилона фойдаланишга олиб келмоқда, энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантирмапти.

Шаҳарсозлик соҳасидаги амалдаги норма ва қоидалар объектларнинг энергия самарадорлигини таъминловчи замонавий талабларга жавоб бермайди. Шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллашга етарли эътиборнинг мавжуд эмаслиги ҳам энергия ресурсларининг ортиқча сарф қилинишига олиб келмоқда.

Электр ва газ таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, мақсуд соҳада кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида:

1. "Ўздавэнергосервис" ДИ, "Ўздавэнергосервис" ДИ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Ўзбекэнерго" АЖнинг фаолиятини қўқариш деб топилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўздавэнергосервис" ДИ, "Ўздавэнергосервис" ДИ ва "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖнинг қуйидаги тартибни белгилаш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин:

а) 2018 йил 1 январдан:

иловага мувофиқ рўйхат бўйича мақсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар электр энергияси (750 кВАгача бўлган қувватга уланган) ва табиий газ учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

билан ўрнатиладиган ўсиб борувчи коэффицентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширадиган;

750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларни иккинчи гуруҳ тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадиган юридик шахслар учун тариф миқдоридан белгиланадиган сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Бунда ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида (тиғиз пайт – белгиланган тартибда ўрнатилган эрталабки ва кечки "энг катта миқдор") фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффицентни қўллаш орқали, энг кам юкламали соатларда эса (тунги пайт – сутканинг қоронғи вақти) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камуювчи коэффицентни қўллаш орқали ва ярим тиғиз пайтда (сутканинг ёруғ вақти) ўрнатилган тариф бўйича амалга оширилади;

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартиралы уй-жой фондиди лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари 2022 йил 1 январдан: уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотларда иссиқ сув таъминоти учун фақат сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмалари, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ички ёритиш энергия тежамкор лампалардан фойдаланиш шарт; марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узиб қўйилади.

Давоми 2-бетда. ➡


Инсон саломатлигини сақлаш, бунинг учун шифо масканлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юртимизда тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳақида давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятларга сафарлари пайтида ижтимоий аҳамиятга молик турли объектлар қатори қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли поликлиникаларда бўлиб, тиббиёт ходимлари ва беморлар билан бевосита мулоқот қилиб келаётгани бу борада қўллаб-маълумларни жойларда самарали ҳал этиш имконини бераётди.

Соғлиқни сақлаш ҳар бир одамнинг кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор бўлган, аҳолининг саломатлигига, охир-оқибатда жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятига, халқнинг дав-

Тиббий хизмат:

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ – БОШ МАҚСАД



латга бўлган ишончига, ҳеч шубҳасиз, энг кучли таъсир кўрсатадиган соҳадир. Шунинг учун ҳам мана шу ўта муҳим, ҳал

қилувчи масала ечими долзарб аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари: "Биз энди тиббиёт муассаса-

си, жумладан, патронаж хизматининг фаолиятига соҳа амалдорлари эмас, балки оддий одамлар, аҳолининг бевосита ўзи

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Конституциясининг 25 йиллиги олдидан

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллик нима?

У бир мамлакат ҳудудида муайян давлат тузиб, ўз ички ва ташқи сиёсатини юритиш дегани. Ҳозирги замонда бирор-бир давлат сиёсатини юритиш учун эса, аввало, қонунлар керак. Қонунларга амал қилиб яшаш – ҳуқуқ дегани. Қонунлар давлатга ҳам, фуқарога ҳам бир қатор ҳуқуқ ва эркинлик беради. Яъни, жамиятда давлат ҳам, фуқаро ҳам қонунларда белгилаб қўйилган ваколатларига эга бўлади.

Беҳиз эмаски, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исроҳ Каримов белгилаб берган, ҳақдорда "Ўзбек модели" сифатида шуҳрат қозongan ўтти даврининг беш тамойилидан иккинчиси айнан "жамият

ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш"дан иборат эди. Қонун устуворлигига эришиш учун эса суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш зарур эди.

Суд ҳокимияти – давлатнинг уч асосидан бири. Чунки, замонавий давлат тушунчаси айнан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти биригидан иборат бўлади. Шундай экан, суд тизимининг мақоми, аввало, Конституцияда белгилаб берилади.

1992 йил Ўзбекистон Республикаси учун Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш йили бўлди, дейиш мумкин. Давлат раҳбарининг ўша йили босилиб чиққан "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асари

мазмун-моҳиятида ҳам Конституция яратилиш таъминлари (принциплари) таҳлили биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бу асарнинг ёзилиши билан Конституцияни яратиш жараёнилари бирга кечган. Бунинг охири

ҳақиқатда битилган мана бу сўзлардан ҳам билиб оلسа бўлади: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. ...Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўллари оқиб беради".

Давоми 2-бетда. ➡

Вилоят ҳаёти

Тадбиркорлар ташаббуси

Зангиота туманидаги "Дийдор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида мебелчилик, қандолатчилик, тикувчилик, турли хўжалик ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарувчи ўн иккита хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Оксой кўчасида яшовчи Даврон Хўжааҳмедовнинг ташаббуси ва саяё-ҳаракати билан тикувчилик цехи ташкил этилди. Бу эса маҳаллада яшовчи ўн нафардан зиёд хотин-қизни доимий иш билан таъминлаш имконини яратди.

Тумандаги "Заргар" маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмадхон ота Худойназаров ҳам ўзгаларга яхшилик қилишдек эзгу ниятнинг этагидан тутган юртдошларимиздан. Яқинда отахон ўз маблаг ҳисобидан янги чойхона қуриб берди. Чиройли ва шинам чойхонада кексалар мириқиб дам олиб, ширин суҳбатлар қуришмоқда.

Санаторийда

маънавият соатлари

"Ботаника санаторийси"да дам олувчилар учун доимий равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади.

Бу ерда бўлиб ўтган навбатдаги тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганишга бағишланди. Унда йиғилганларга давлатимиз раҳбари нутқининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтириб берилди.

Ташкил этилган маънавият соатида эса, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш борасидаги вазифалар ва соҳада амалга ошириладиган қўлмал ишлар тўғрисида фикр алмашилди. Оқиб ва эркин мулоқот шаклида ташкил этилган тадбирларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Китобхонлик кечаси

Пискент туманидаги 30-Болалар мусиқа ва санъат мактабида китоб мутолаасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими вакиллари, умумтаълим мактабларининг тил ва адабиёт фани ўқитувчилари ҳамда иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва таникли шоира Фарида Афрўз мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида маданият, санъат ва адабиётни ривожлантириш, аҳоли ўртасида китобхонликни оммалаштириш ҳамда ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлашди. Иштирокчиларга ўзларининг янги ижод намуналарини тақдим этишди.

Қизгин савол-жавобларга бой ўтган тадбир ёш ижодкорларнинг мушоирасига улашиб кетди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

"Ўзэкспомарказ"да "Made in Uzbekistan" номли кўргазма бўлиб ўтди. Унда икки юздан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар юқори сифатли, экспортга йўналтирилган маҳсулотлари билан қатнашди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, кўпалаб йирик компанияларнинг автомобилсозлик, енгил саноат, кимё, тоғ-металлургия, мебелсозлик, фармацевтика, таълим ва бошқа соҳалар бўйича 10 мингдан ортиқ товар ва маҳсулотлари намоиш этилди.

"Made in Uzbekistan"

Эътиборлиси, улар орасида вилоятимиз ишбилармонлари ҳам талайгина. "Chirchiq ExpoClean", "Orion Skorpion", "International Paper" каби корхоналар шулар жумласидандир.

Фаолиятимизни 2005 йилда бошлаганмиз, – дейди Зангиота туманида жойлашган "International Paper" корхонасининг лойиҳалар бўйича менежери Темур

Аҳмедов. – Целлюлоза хом ашёсидан нам салфеткалар ишлаб чиқарамиз. Бугунги кунда 50 турдаги товаримиз ички ва ташқи бозорга сотилмоқда. Салфеткаларимиз сифатини янада ошириш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Болаларга мўлжалланган махсус маҳсулотимиз ҳам борки, улар аллергия кўзгатмайди. Дарвоқе, корхонамизда 150

нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий соҳадаги ютуқларини ўзида намоён этган кўргазмага ташриф буюрганлар маҳаллий саноат корхоналари маҳсулотлари билан танишиш баробарида ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этилган инновацион лойиҳалар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлди-

лар. Пировардида кўргазма тадбиркорлиқни ривожлантириш, экспортбон маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар сифини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ирода НОРОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



Реклама ўрнида

Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази

жамоаси

тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.
Сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!



Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси

вилоятимиздаги барча касбдошларини байрам билан қутлаб,
уларнинг хайрли ва масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайди.




ФАЗОДА ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

Бу ҳақда Хитой космик технологиялар академияси илмий ходими Ли Мин "Science and Technology Daily" журналига берган интервьюсида маълум қилди.

Атроф-муҳитга зарар етказадиган қазиб олинувчи ёқилгидан фарқли равишда, космик муҳитда Қуёш энергиясидан фойдала-

ниш анча самарадор, тоза ва барқарор технология ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, ер усти Қуёш ва шамол электр станцияларидан фарқли ўлароқ, космик электр станциядаги ишларга табиий омиллар таъсир кўрсатмайди, яъни у ҳеч қандай тўсиқларсиз Ер



катта миқдордаги энергия оқимини етказиб бериши мумкин.

Замонавий технологиялар тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг самарасида Хитой дунёда биринчи бўлиб, очиқ коинотда Қуёш электр станциясини қурадиган бўлди.

ҲАЙДОВЧИНИ УЙЎТУВЧИ "АҚЛЛИ ҚАЛПОҚ"

Расмий статистик маълумотларга кўра, дунёда рўй бераётган ҳар бешта автоҳалокатдан биттаси ҳайдовчининг "кўзи илиниши" туфайли содир бўлар экан.

Американинг "Ford" автоконцерни мутахассислари томонидан "GTB" фирмаси муҳандислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бош кийим ҳайдовчиларни машина бошқаруви вақтида ухлаб қолишдан сақлайди.

Ушбу бош кийим таксичилар ва узоққа қатновчи ҳайдовчиларга мўлжалланган. Яъни, кўп вақтини рулда ўтказадиганлар учун ишлаб чиқилган. Аммо, электрон бош кийим оддий ҳайдовчиларга ҳам

фойда бериши мумкин.

"Ақлли қалпоқ" турли электрон қурилмалар билан жиҳозланган ва улар бош ҳолатини ва ҳаракатини қайд этиб боради. Агар бош ҳолати тўсатдан ўзгарса, қалпоқ кучли тебранишни бошлайди, ҳайдовчининг кўзига ёруғлик диодларини туширади ва товуш чиқаради. Бу ҳайдовчини ухлатмайди ва уни тетик бўлишга ундайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳодимлари

соғлиғимиз, покиза
ҳаётимиз посбонларини
касб байрамлари
билан табриклайди.
Аҳоли саломатлигини
таъминлаш йўлидаги
эзгу саъй-ҳаракатларингиз
бардавом бўлсин, азизлар!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манъилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХУЖАЕВ